

СУРХОН ВОҲАСИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ НАТИЖАЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Акмал Менглибоев

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада сурхон воҳасида миллий озодлик ҳаракати натижалари ва оқибатлари масаласи илмий далиллар ёрдамида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: тарих, фан, озодлик ҳаракати, миллат, миллий кураш.

RESULTS AND CONSEQUENCES OF THE NATIONAL LIBERATION MOVEMENT IN SURKHAN OASH

ABSTRACT

The article discusses the results and consequences of the national liberation movement in the Surkhandarya oasis with the help of scientific evidence.

Keywords: history, science, liberation movement, nation, national struggle.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг бошқа жойларида бўлганидек, Сурхондарёда ҳам қизил мафкурага қарши миллий-озодлик ҳаракатлари тўхтовсиз давом этиб, янги кураш ҳаракатлари шаклланиб боради. Бухородаги истиқлолчиларнинг энг машхур йўлбошчиси бу шубҳасиз туркиялик ҳарбий саркарда ва сиёсий арбоб Анвар Пошшо ҳисобланади. Анвар Пошшо (14.06.1881, Истамбул-04.08.1922, Шарқий Бухоро) фақат Туркия ёхуд Туркистонда эмас, балки бутун мусулмонлар оламида кўзга кўринган фидойи инсонлардан бири эди. XX аср бошларида мусулмон дунёсида ҳеч кимнинг шухрати унингдек кўп тарқалмаган бўлса керак. Анвар Пошшо Туркия, Македония, Кавказ, Германия, Россия, Туркистон ва Бухородаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

БХСР Ревкоми ва ички ишлар ноziри номига жўнатилган бошқа бир

махфий ҳужжатда айтилишича, «... Шеробод шаҳри атрофидаги бизнинг қисмларга (Шеробод гарнизонига) қарши душман турли милтиқлар билан қуролланган 7000 кишидан иборат кучни ташлади, улар орасида Денов, Юрчи ва Ҳисор шаҳарларининг аҳолиси бор эди. Шеробод шаҳри атрофидаги жангларда қатнашган душман ўз кучларини Бойсун, Ҳисор ва Шарқий Бухоронинг бошқа шаҳарларидан бу ерга олиб ташлаган эди. Душман кучларининг тазйиқи остида Шеробод гарнизони 27 ноябрда Шеробод шаҳрини ташлаб чиқди ва Ангор қишлоғига (Термиздан 20 чақирим шимоли-ғарбда) чекинди. Шеробод шаҳрида бўлган жанг қатнашчиларининг фикрига қараганда, амир кўшинларининг мутассиблиги (аслида жасорати) шу даражага бориб етганки, улар бизнинг артиллерия ва пулимётдан тинмай ўт очишимизга маҳаллийсдан, фақат олга ташланишарди...» [1]

Шеробод тумани ва Ангор қишлоқларидан атиги 6 чақирим шимоли-шарқ, шимол ва шимоли-ғарбда жойлашган қишлоқларда душманнинг 8000 кишиси жойлашган. Жосуслик маълумотларига қараганда, Бухоро амири русларга қарши муқаддас уруш эълон қилган. Унинг чақириғи Шарқий Бухоро қишлоқларининг аҳолиси томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинмоқда. Эски Бухоро шаҳрига жўнатилган навбатдаги ҳужжатда (4.XI 1.1920 й) ёзилишича, қизил армиянинг 8-полки батальонлари Шерободни 27 ноябрда ташлаб чиққач, аввал Ангор, сўнгра Термиз томонга қочишади. 28 ноябр куни кечгача истиқлолчилар Ангордан 5 чақирим шимол, шимоли-шарқ, шимоли-ғарбда жойлашган бутун қишлоқларни эгаллашади. Истиқлолчилик ҳаракати тез орада Шарқий Бухородан Ўрта Бухорога ҳам тарқалди. Ф.Хўжаевнинг эътирофи қилишича, «ўзбек қабилалари... бошлиқлари томонидан Шарқий Бухорода бошланган босмачилик ҳаракати Бухоронинг бошқа қисмларида ҳам қуллаб-қувватланди». Босқинчилик қизил аскарлар ва Бухородаги янги ҳукуматга қарши кўтарилган катта кўзғолонлардан бири «Ўрта Бухоронинг собиқ Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Чироқчи бекликларида бошланди. Бу тўртта беклик Ўрта Бухоронинг атрофи торлар билан ўраб олинган, аҳолисининг деярли ҳаммаси ўзбек қабилаларидан иборат бўлган битта катта районни ташкил этган эди. Ўрта Бухорода жанглар қизиқ кетди. Истиқлолчилар кўлидан декабр ойининг охирларида Шаҳрисабздан ташқари Китоб, Чироқчи, Яккабоғ шаҳарлари тортиб олинди. Кўзғолончилар Шарқий Бухорога ўта олишмаганлиги учун Ўрта ва Шарқда Бухородаги

истиқлолчилар қўшини ўзаро бирлаша олмади. Бу пайтга келиб Шеробод шаҳрини ҳамқизил аскарлар босиб олишган эди. «Қизил аскарлар томонидан 24 декабрда Шеробод шаҳри эгалланганда мужоҳидларнинг 8000 кишилик армиясида ҳар ўн кишига биттадан милтиқ тўғри келарди, бунинг устига ҳар милтиқда бор-йўғи 3-5 дона ўқ бор эди, холос. Мужоҳидлар Қабодиён шаҳридан 80 чақирим шарқдаги сарой томонга чекинишди», -деб большевикларнинг расмий хужжатларидан бирида кўрсатилади.[2] Бухоро республикаси Марказий Ревкоми ва Халқ Нозирлар Шўроси раиси номига жўнатилган «мутлақо махфий» маълумотда ёзилишича, 1921 йил 1 январга келиб Бухоро амирининг армияси 15000 кишидан ортиб кетди. Бу хужжатда амир кучларининг жойлашиш тартиби ҳам келтирилади: «Бухоро амирининг тораси Тўражан (Собиқ Шаҳрисабз беги) ҳазрат Имом Саидда (Қўрғонтепадан 70 чақирим жанубда) жойлашган. Деновда Бўрибой ва унинг ёрдамчиси Шариф Бойвачча бошчилигида асосан ов милтиқлари билан қуролланган 1500 кишилик гуруҳ мавжуд. Бу гуруҳ туб аҳоли орасидаги кўнгиллилар ҳисобидан тузилган, кўнгиллилар ўртасида Бухоро, Самарқанд ва Фарғонадан келган сартлар (ўзбеклар)» бор. Юрчи шаҳрида Хожи Мурод Тўқсабо бошчилигида турли милтиқлар билан қуролланган, маҳаллий аҳолидан иборат 200 кишилик гуруҳ жойлашган... Ҳисорда самарқандлик Турсунбой ва биродари Одилнинг 200 кишилик гуруҳли, туркманларнинг Олтиқўл бошчилигида 150 кишилик гуруҳи ўрнашган. Шаҳар қалъасида битта пилта тўп бор. Ҳисорда сафарбарлик давом этмоқда. Кўнгиллилар ва сафарбар қилинганларни самарқандлик Ражаб милтиқ отиш ва ҳарбий ишга ўргатмоқда... Ҳисорда Турсунбойнинг биродари Одил назорати остида ишлайдиган қурол-яроқларни тузатадиган устахона мавжуд, унда етти киши ишлайди».

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Истиқлолчилар билан қизил аскарлар ўртасида Бойсун учун қаттиқ жанглар кетди. 1921 йил январ ойининг бошларида қизил аскарлар дастлаб Бойсунни эгаллашди. Сўнгра Бойсун беги катта миқдорда куч тўплаб қарши ҳужумга ўтди, ҳатто шаҳарнинг шарқий қисмини босқинчи қизил аскарлардан озод қилди. Икки ҳафта давомида яна шаҳар учун шиддатли жанглар бўлди. Бу борада қизил армиянинг катта миқдордаги отлиқлар полки ва бошқа қисмлар Сайд Олимхон томонидан бойсунликларга ёрдамга юборилган 10 минг кишилик армияни Бандихон дарасида

мағлубиятга учратди. Бойсун ёнидаги жанглarda истиқлолчилар қизил аскарларнинг дивизия командири Марсовни ўлдиришди. Аммо улар кучлар нисбатининг тенг эмаслиги сабабли Бойсунни ташлаб чиқишга мажбур бўлишди. Бойсундаги жанглarda истиқлолчилар мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам, улар Денов ёнида катта миқдордаги кучларни тўплашди. 1921 йил 13 февралда жўнатилган қизил аскарларнинг жосуслик маълумотларига қараганда, «Денов, Юрчи шаҳарлари ва атроф қишлоқларда қаршилик Бўри бойвачча бошчилигида 5000 кишилик кутяин тўпланди. Бу кўшин таркибида тахминан 500 кишилик туркман, 200 кишилик афғон, 300 кишилик Фарғона босмачилари бўлиб, қолганлари Бухоро амирининг доимий сарбозлари, турк ва шербачча полклари, маҳаллий аҳоли вакиллари эди...[3] Босмачилар Душанбедан келишди. Улар Шерматнинг одамлари бўлиб, амирнинг илтимоси билан Куршермат (Шермух,аммадбек) томонидан Шарқий Бухорога жўнатилган... Деновда 5 та пилта тўп ва 2 пулемётга эга кўшин бор... Миршоди қишлоғида (Деновдан 20 чақирим жануби-ғарбда) Деновдаги кўшиннинг бир қисми-1400 кишилик гуруҳ бор, бу гуруҳ Бурибойваччага бўйсунди. Бир ой аввал амир Душанбеда эди, касал бўлиб қолгач, Қурғонтепага жўнаш тараддудига тушди, Лекин вазиятни куриб яна Душанбе шаҳрида қолади. Бу пайтда унинг олдида Қобулдан 10 кишилик афронларнинг делегацияси ташриф буюрди ва тез орада амирга мадад келишини маълум қилишди». Лекин Афронистондан ҳеч қандай қуролли кучлар ёрдамга юборилмади. Қизил армиянинг тажрибали жангчилари билан бўлган шиддатли жангда Бухоро истиқлолчилари бу гал ҳамдош бериша олмади. 1921 йил 15 февралда душман Деновни эгаллади. Тез орада истиқлолчилар қўлидан Юрчи, Сариосиё ва Сарижуй ҳам тортиб олинди. Хужум қилиб келаётган совет кўшинлари Регарда шиддатли қаршиликка дуч келдилар, лекин бу шаҳар ва сўнгра Куратор ҳам улар томонидан эгаллаганди. Хусусан, 1921 йил 20 февралдан бошлаб Ҳисорга кираверишда шафқатсиз жанглар қизиб кетди. «Известия» газетаси ўша кунларда ушбу сатрларни ёзган эди: «Амир ҳукумронлик қилаётган ҳудуд кундан-кунга қисқармоқда. У баҳорга келиб ё торларга чиқиб кетиши, ё Бухоро хуудудини тарк этиши лозим бўлади. Унинг ихтиёрида фақат Шарқий Бухоронинг Ҳисор, Душанбе, Файзобод вилоятлари қолди. Унинг ихтиёрида фақат 600 аскар бор».

Бу воқеалардан сўнг Сайд Олимхоннинг қароргоҳи Душанбе шаҳрига

хужум бошланди. 20 февралда у шаҳарни ташлаб чиққач, аввал Кулоб вилоятига чекинди. 1921 йил 4 мартда Сайд Олимхон Чубек деган жойдан Афғонистон давлатига ўтиб кетди. Сайд Олимхон Бухоро тупроғини тарк этгач, истиқлолчилик ҳаракати сўниши ўрнига аксинча ловуллаб, аланга олиб кетди [4]. Ҳозирги Тожикистон Республикаси ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудида кўплаб кўрбоши дасталари тузилди. Шарқий Бухорода Балкувонда Давлатмандбек, Кенткурда Ашурбек ва Мирза Солиҳ, Кулобда Ашур Туксабо, Қўрғонтепада Торай Сари, Данғарада Абдуқаюм парвоначи, Лоқайда Иброҳимбек, Дарвозда Эшон Султон, Қоратегинда Фузайл Махдум, Файзободда Раюрбек Сариосиё ва Қоратоғда Абдурахмонбек, Боботоғда Ҳайитбек додхоҳ, Душанбеда Раҳмон додхоҳ, Сурхонда Хуррамбек, Ҳисорда Али Мардонбек ва Темурбек, Ўрта Бухорода ва Қаршида Жўрахўжа, Ғузорда Авлиёкул кўрбоши, Каркида Кулмуҳаммадбек ва Абдурахмон Ботир, Саройкамар ва Олаторда Достонкул ва Туксанбой, Шахрисабз ва Яккабоғда Жаббор каби кўрбошилар йирик дасталар тузиб, истиқлолчиларнинг озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилдилар. [5] Тўғри, бу кўрбошиларнинг кўпчилиги амирнинг собиқ амалдорлари, ўз туманларининг беклари ёки йирик дин арбоблари бўлишган. Лекин шунга маҳаллийсдан, улар босқинчи қизил армия ва болшевикларга қарши курашга отланган юртдошларининг ҳаракатини яхлит бир йўналишда бирлаштира олдилар. Улар ўзлари эгаллаб турган ҳудудларда ислом дини ва шариат асосида ўз бошқарув усулларини ўрнатдилар.

Анвар Пошшо Бухоро шаҳрида бир оз муддат тургач, 8 ноябрда бу ердан Шарқий Бухорога жўнаб кетди. Анвар Пошшонинг адютанти Муҳитдинбек кейинчалик Истанбулга қайтгач, у ердаги «Вақт» рўзномасида (25.XI. 1934) босилган хотираларида ёзишича, Пошшо Бухородан кетадиган кунни қуйидаги гапларни айтган экан: «Туркистон учун курашиш керак. Ҳақ иш учун ўлимдан қўрқсанг, ўзингни ҳамит ҳолида яшашга дучор қиласан. Агар бу ишга киришмасак, келажак авлодлар лаънати оғир бўлади. Қутулиш йўлини излаб, ўлсак ҳам, ўзимиздан кейин келадиган авлодларга озодлик ва бахт йўлини таъминлаган бўламиз». Шарқий Бухорога йўл олган Анвар Пошшо ва унинг икки сафдоши Қарши яқинидаги Қиликул атрофида истиқлолчиларнинг қўмондони Мулла Нафис кўрбоши

томонидан қабул қилинди. Анвар Пошшо Туркистондаги миллий истиқлол ҳаракати сафига қўшилар экан, 1921 йил 9 ноябрда Бухоро заминида биринчи марта баёнот берди. Ушбу баёнот матнини ватандошимиз Абдулла Ражаб Бойсуний тубандагича келтиради: «Орқадошлар! Туркистоннинг муқаддас даъвоси йўлида олиб борилаётган курашга мен қўшилгани келдим. Ичингизда биз билан меҳнат қилишни хоҳловчилар бўлса, таклиф қиламан, онт ичсин! [6] Лекин, ичингизда бола-чақаси руслар қўл остида бўлганини ўйлаб андиша ва тараддуд кўрсатувчилар бор бўлса, улар ҳам очикчасига айтсин. Буюраман! Тўпланганлар курашмоқ учун онт ичдилар. Демак, Анвар Пошшонинг Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига киришиш тарихи 1921 йил 9 ноябрда Қиликул тумани марказида бошлангандир. Қарши ва Шеробод вилоятлари орқали Анвар Пошшо Шарқий Бухоро томон интиларди. Анвар Пошшо Қабодиёнга етганда дўсти - Шеробод вилоятининг ҳарбий нозири, Туркия армиясининг собиқ полковниги Ҳасан Афанди ва Термиз милициясининг бошлиғи Усмон Афанди (у ҳамтуркиялик зобит эди) ўз отрядлари билан унга келиб қўшилди. Улар энди Жилли қўлга йўл олдилар. [7]

Сурхондарёлик Соҳиб кўрбоши, Эшон Судур, Хуррамбек, Мустафокулбек, Раҳмонбек, Раҳмонберди, Салом Тўқсабо, Азимбек, Вали кўрбоши, Шоймон Тўқсабо, Мулла Эшқўл, Мулла Ражаб, деҳқонободлик Тангриберди додгоҳ, Бўри Баташ, Утанбек ва бошқа ўнлаб кўрбошилар ана шу даврда фаоллашган эдилар. Шарқий Бухорода вазият истиқлолчилар фойдасига тубдан ўзгарганлиги сабабли Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси Халқ Нозирлар Шўроси ва БКП Марказий Комитети 1922 йил 2 январда бўлган кўшма мажлисида БХСР МИКнинг Шарқий Бухоро бўйича фавқулодда Диктаторлик Комиссиясини тузишга қарор қилди. Бутун Бухоро МИК «Шеробод, Ҳисор, Рарм ва Кулоб вилоятлари Диктаторлик Комиссиясига батамом бўйсунди», деб белгилади. «Бундан ташқари, комиссия зиммасига конституцион қонунларни бекор қилмаган ҳолда, Қарши, Шаҳрисабз, Карки вилоятларида ҳам тартиб ўрнатиш» вазифаси юкланди. Анвар Пошшо ўз кучларининг бир қисмини Дониёлбек бошчилигидаги Сурхондарё воҳасига жўнатди. Улар бу ердаги Хуррамбек билан бирлашгач, Шаҳрисабз орқали Бухорога қараб юришлари ва Бухоро шаҳрини қамал қилаётган Мулла Абдулқаҳҳор кўшинига мадад беришлари лозим эди. Анвар Пошшонинг ўзи бўлса сал кейинроқ Бухорога хужум қилмоқчи бўлди. «Анвар ўзининг ўринбосари қилиб Иброҳимбекни 1200 йигити билан Шарқий Бухорода

қолдирди» [8].

ХУЛОСА

1921 йилнинг охири - 1922 йилнинг бошларида Шарқий Бухоронинг Бойсун ҳудудида Анвар Пошшо раҳбарлигидаги озодлик ҳаракати кенг сиёсий тус олади. Анвар Пошшо ҳаракатига турк зобитларидан Ҳожи Самибек (Салим Пошшо), Бартинли Муҳиддин, Нафтибек, Халилбек, Ҳасан Афанди (собик Термиз милицияси бошлиғи), Усмон Турсунов (Усмон Афанди) кабилар қўшилади ҳамда ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик қилади. Анвар Пошшо ҳамда Иброҳимбеклар биргаликда учрашиб, ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга келишиш учун Ҳисорнинг Лақай водийсидаги Кўктош қишлоғида махсус анжуман ташкил этилади. Ягона қўмондонлик учун олиб борилган музокаралар натижасида кучлар бирлашиб, 1921 йил декабрида Шарқий Бухоро қўрбошилариининг ҳарбий кенгашида Анвар Пошшо Бош қўмондон деб эълон қилинади [9]. Бироқ шунини алоҳида таъкидлаш керакки, миллий кучлар ўртасида ягона ҳарбий режанинг йуклигидан совет ҳукумати усталлик билан фойдаланади. Советлар ҳукуматиининг махсус вакили Олимжон Акчуриннинг жосуслик фаолияти туфайли миллий кучлар ўртасида ўзаро келишмовчилик кучаяди. Айниқса, Олимжон Акчуриннинг Анвар Пошшо номидан Сайд Олимжонга юборган сохта мактубида Анварнинг Иброҳимбек устидан Амирга шикоят баён қилинади. Анвар Пошшонинг сохта мухри босилган бу хатнинг «тасодифий» равишда Иброҳимбек қўлига туширилиши натижасида эса Анвар Пошшо билан Иброҳимбек ўртасидаги ўзаро низолар ниҳоятда кучайиб кетади. Шунингдек, Олимжон Акчуриннинг Иброҳимбек ва Анвар Пошшо номига алоҳида-алоҳида жўнатган махсус хатларида ҳам гуёки советлар ҳукумати уларни кечириши мумкинлиги қайд этилган. Масалан, Иброҳимбек номига ёзилган хатда қуйидаги фикр мавжуд эди: «Беклар беги Иброҳимбекбий жаноби олийларига! Анвар тузоғига илингансиз, деб афсус ва надоматлар чекмоқдамиз. Сиз жанобнинг истагингизга қараб адолат сулхи тузишга тайёрмиз. Сизга беҳад ҳурмат ва ишонч ила Олимжон Акчурин. Шабъон ойининг 26 чоршанба куни. Бойсун шаҳри». Худди шу мазмундаги хат Анвар Пошшога ҳам жўнатилади. 1922 йил март ойининг бошларида Иброҳимбек Бойсун-Шеробод чизиғи бўйлаб жойлашиб олди. Болжувондан Давлатмандбек ва Дарвоздан Эшон Султон гуруҳлари ҳам шу чизик бўйлаб тўпланди. Истиклолчиларнинг зарбдор кучи Шеробод атрофига ўрнашган. Қўрбоши дасталарини ягона режа асосида жой-жойига қўйгач, Анвар

Пошшо Сурхондарёда ҳаракат қилаётган Дониёлбек қўмондонлигидаги қўшинларни Шаҳрисабзга жўнатди. Унинг ўзи бўлса Иброҳимбек билан биргаликда қўшиннинг асосий кучларини олиб, Бойсун шаҳрини ишғол қилиш учун жанг бошлади. Анвар Пошшо март ойининг бошида Бойсундан 18 чақирим узоқда бўлган тоғли Қўшбулоқ қишлоғига, кейин эса Қўшбулоқнинг жануброғидаги Пулҳоким қишлоғига ўз қароргоҳини жойлаштирди. У ўз қароргоҳини 18 мартда Пулҳокимдан Кофирунга кўчирди, унинг штаби ҳам шу ерга келтирилди. Кофирун қишлоғи Бойсундан 16 чақирим жанубда жойлашган бўлиб, у ҳарбий - стратегик жиҳатдан қулайлиги билан Анвар Пошшонинг диққатини ўзига жалб этган эди [10]. Энг аввало Бойсун шаҳрининг ўзи қулай географик мавқега эга бўлиб, у Ғарбий Бухоро билан Шарқий Бухоро ўртасида дарвоза-қўрғон вазифасини ўтаб келарди. Унда истаганча ҳарбий қисмларни жойлаштириш, қулай жанг позициялари, фронт чизиқлари, муҳофаа истехкомларини ташкил қилиш, пистирмада жанговар отрядларни жойлаштириб, душман йўлларини кесиб куйиб, унга қўққисдан зарба бериш имкониятлари бор эди. Анвар Пошшо Бойсун қамалига катта умид боғлайди ва у Кучкак, Авлод, Сариосиё, Паданг қишлоқларида Иброҳимбек билан Соҳиб командирнинг Пулҳоким, Пудина, Чорбор, Инқобод, Даштироз қишлоқларида Эшон Султон билан Ҳожи Афандининг Сариқамиш, Кофирун, Работ, Биби Ширин, Мирқоракўз қишлоқларида Сурайё Афандининг Қизил ва Миршоди қишлоқларида Азимбек кўрбошининг йигитларини жойлаштирган эди. Кофирун-Работ-Қизил фронт чизиғи бўйлаб муҳофаа истехкомлари қурилди [11]. Хуллас, Анвар Пошшонинг қизил аскарларга қарши 15 июнда Кофирунда ҳал қилувчи зарба тайёрлашга уриниши амалга ошмади. Июнь ойининг иккинчи ярми ва июл ойининг бошларида сон ва сифат жиҳатидан устунликка эга бўлган қизил аскарлар истиқлолчиларни мағлубиятга учрата бошлади. Анвар Пошшо Афғонистон ҳарбий вазирига ёзган мактубида унинг қўшинларида патрон етишмаганлиги, русларнинг қуроли уларникига нисбатан сифатлироқ эканлиги жанг тақдирининг ҳал қилганлигини таъкидлайди.

REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017).

Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, 14(1).

3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.

4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1).

5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1).

6. Кутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1).

7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.

8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толиқиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига қараб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга*, (2), 42-45.

9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.

10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.

11. Madraimov, N. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(9), 348-351.

12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.

13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.

14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, 2(2).

15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, 2(2).

15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, 20(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.
21. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, 4(180), 75-77.
22. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. *Ўтмишга назар*, 215-219.
23. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to'sish harakatlari samaradorligini oshirish. *Internauka*, 5(181), 99-101.
24. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. *Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси*, 366-369.
25. Ёкубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. *Хоразм маъмун академияси ахборотномаси*, 120-123.